



17.01.2022 даги

Шахина Газ Инвест ва Кушработ туман Тиббиёт бирлашмаси ўртасида 6000000,00 сўм умумий суммага  
тузилган 11 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 054  
Шахсий ғазна ҳисобварақ 400322860182167073101054002

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252500			
Январь				
Февраль	6 000 000,00			6 000 000,00
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>6 000 000,00</b>			<b>6 000 000,00</b>

Жами 6000000,00 сўм

Олти миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 1800000,00 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 22 январ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойда \_\_\_\_\_ % жорий ойднинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.У



(имзо)

Шамсиев Улугбек Н.

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтерис

(имзо)

Маматов Нурбек А.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
QO'SHRABOT TUMAN YURIDIK XIZMAT  
KO'RSATISH MARKAZI**

*Qo'shrabot tumani Qo'ralos MFY Zahriddin Muhammad Bobur ko'chsi*

*Davlat xizmatlari Markazi binosi*

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

Hujjat raqami №NU25808364

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyixaning nomi: Qo'shrabot tuman Tibbiyot birlashmasi va "Shaxina gaz invest" MCHJ o'rtasida 11-sonli suyultirilgan gaz oldi-sotdi shartnomasi.
3. Loyiha haqida huquqiy xulosa. Tuzilgan shartnoma O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni", "Davlat xaridlari to'g'risidagi qonuni" O'zbekiston Respublikasida Fuqarolik Kodeksi 386-moddasiga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentyabrdagi 3953-sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi qaroriga muvofiq tuzilgan.

**Markaz bosh yuristkonsul'ti**



**I.Karimov**

18.01.2022

**ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)  
ОИД ШАРТНОМА № 11**

Самарканд шаҳри

« 17 » январ 2022 йил

**ООО “Шахина Газ Инвест”** (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан узининг Низоми устави ишончнома асосида иш юритувчи **К.Р.Рахматов** томонидан, бир томондан ва **Қўшрабoт туман Тиббиёт бирлашмаси** (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) ўзининг Устави асосида иш юритувчи раҳбар **У.Н.Шамсиев** иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1 Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» га (кейинги ўринларда “хизматлар” деб юритилади.) курсатиш “Буюртмачи” ушбу хизматларни қабул қилиш ва белгиланган қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2 Хизматларнинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек хизмат кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган куйидаги жадвалда келтирилади:

№	Товарлар(иш, хизматлар)нинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Суюлтирилган газ	литр	2000	3000	6 000 000

Хизмат ҳақки билан бирга **6 000 000 ( Олти миллион )** сумни ташкил қилади

**II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

2.1 “Буюртмачи” нинг ҳуқуқлари:

2.1.1 “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминланишини талаб қилиш;

2.1.2 “Бажарувчи”дан хизматлар “Буюртмачи” нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3 “Бажарувчи” дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ сифатга эга бўлган хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4 Зарур сифатга эга бўлмаган хизматлар кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган хизматлар шунга ўхшаш хизматлар билан алмаштирилиши;

- хизматларнинг камчиликлари бепул бартараф этилиши ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғрилиши харажатларини қоплашни;

- баҳосини мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5 Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашини “Бажарувчи”дан талаб қилиш;

2.2 “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Буюртмачи 2022 йилда харажатлар сметасида кўрсатилган маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;

2.2.2 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган хизматларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3 Хизматларга мазкур шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган нарх бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган вақтдан бошлаб, ҳудудий ғазначилик бўлимасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг \_\_\_ банк иш куни мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3 “Бажарувчи” нинг ҳуқуқлари:

2.3.1 Кўрсатилган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлик ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини “Буюртмаси” дан талаб қилиш;

2.3.2 Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни қоплашини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.4 “Бажарувчи” нинг мажбуриятлари:

2.4.1 “Буюртмачи” билан тузган шартномасини ҳудудий Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг хизматларни кўрсатиш;

2.4.2 “Буюртмачи”га хизматларни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8 бандида назарда тутилган тартибда унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.3 Агар хизматларни кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативларидан чекланишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 банк иш куни муддатда текин тузатиб бериш;

**III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.**

3.1 Мазкур шартноманинг баҳоси **6 000 000 ( Олти миллион )** сўми ташкил этади.

3.2 Шартноманинг умумий суммаси **6 000 000** сўм бўлиб, кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан тўлов 30 % ни ташкил қилади.

3.3 Кўрсатиладиган хизматлар учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

**IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.**

4.1 Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда ва талабларга мувофиқ, зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қауб қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

4.3 Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Буюртмачи”нинг ҳисоб-китоб ҳужжатларида ғазначилик бўлималарининг штампида кўрсатилган сана хизматларга ҳақ тўлаш бўйича “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

**V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1. Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, микдори “Бажарувчи” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда “Бажарувчи” кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган юртимиздаги **KARIMOV ISLOM KARIM O'G'LI** ҳужжат рақами: **CX8683574163**

## Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: NU25808364

5.2. Агар кўрсатилган хизматнинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Кўрсатилган хизматлар учун шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га хизматлар кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хизматлар кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ хизмат кўрсатувчи томонидан қопланади.

### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1 Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қондага кўра мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2 Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муражат қилишга ҳақлидир.

### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИНИШИ.

7.1 Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоблар тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.3 Мазкур 6 000 000 сўмлик № 11 сонли шартнома "17" январ 2022 йилда 2 нусхада тузилган бўлиб, шартнома муддати 31.12.2022 йилгача амалда бўлади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Қўшработ туман бўйича Ҳазначилик бўлимида белгиланган тартибда электронни рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

### VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

8.1 Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.

8.2 Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда солид этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3 Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4 Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

### IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»	«Буюртмачи»
<p>ООО "Шахина Газ Инвест" Почтовый адрес: г. Самарканд, массив Сугдиёна д.18-б р/с-20208000404778359001 МФО 01143 ИНН:301189791 АТБ ASIA ALLIANSE BANK ОКЭД: 47300 тел +99897 920-11-76</p>	<p>Қўшработ туман Ғиббиёт бирлашмаси Манзили: Қўшработ т. маркази, Ғ.Ғулом кўчаси ШХР: 400322860182167073101054002 ИНН: 200750669 ОКОНХ: 86100 Қўшработ т. бўйича Ҳазначилик бўлими ЯГХ: 23402000300100001010 Тошкент шаҳар Марказий Банк ХККМ ББ МФО 00014 ОКОНХ 97160 Ҳазначилик бўлими СТИР: 206919238</p>
<p>Директор  К.Р. Раҳматов</p>	<p>Раҳбар  .Н.Шамсиев</p>